

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-сиёсий газетаси • 1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

БАҲОУДДИН НАҚШБАНД ҲОКИНИ ТАВОФ АЙЛАБ

Мамлакатимиз Президент Ислам Каримов 16 сентябрь кун Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллиги тантаналари муносабати билан Бухорода бўлди.

Президент Ислам Каримов, республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг давлат маслаҳатчиси М. Умурзоқов, Бош вазир ўринбосари М. Қорабев, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари Баҳоуддин Нақшбанд қабрини зиёрат қилдилар.

«Мовароуннахр» мусулмонлари диний бошқармаси ҳайъатининг раиси, муфтий Мухторжон Абдуллоҳ ал-Бухорий ва Бухоро вилояти ҳокими Д. Едгоров меҳмонларга зиёратгоҳ қисқа муддатда ободонлаштирилганини, унда нафақат бухорлик, балки хоразмлик, наманганлик, самарқандлик усталар ҳам жон куйдириб меҳнат қилганини гапириб берди.

Президент ва унинг ҳамроҳлари Бухоро тумани Усмон Юсупов номидаги жа-

моа ҳўжалигида чорвадор фермер Мустафо Файзуллаев иш тажрибаси билан танишдилар. Жондор туманидаги Ҳамза номидаги жамоа ҳўжалигида бунёд этилган сутни қайта ишлаш корхонасини бориб кўрдилар. Шу тумандаги Тошқул Ҳотамов номидаги жамоа ҳўжалигининг уста пахтакор Акрам Ботиров етакчилиги қилаётган бригада даласида бўлдилар. Шундан кейин Дам-хўжа-Навой-Бухоро сув кувурини кўздан кечирдилар.

Ҳ.А.

БАҲОУДДИН ҚИШЛОҒИДА ТАНТАНАЛАР

Бухорода, яқин кундирки, Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллиги тантаналари давом этаётди. 17 сентябрь кун эрталаб узоқ-яқин хориздан, мамлакатимизнинг турли вилоятларидан келган меҳмонлар Баҳоуддин қишлоғи сари йўл олди. Улар Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари ва ул прикомининг волидаи муҳтарамалари мақбараларини зиёрат қилдилар. Бу ердаги Жоме масжидида алломининг ҳаёти, дин равнақида қўшган улкан ҳиссасига бағишланган давра суҳбати бўлди. Унда машҳур уламою нақшбандшўнослар, тарихчилар, ёзувчилар буюк алломанинг ҳаёти ва тариқати, маънавий меросининг бугунги кундаги аҳамияти хусусида гапирдилар. Қуръон

қироати танлови ғолиблари зиёратчилар ҳузурда истеъдодини намойиш этди.

Баҳоуддин Нақшбанд меъморий мажмуи байрам либосига бурканди. Савдо ярмаркалари ташкил қилинди. Музей, халқ санъати кўргазмаси аниқсиз гавжум бўлди.

Истиқлолимиз туфайли асрий қадриятларимиз тикланаётгани, юртимизда тинчлик, фаровонлик, халқлар дўстлиги қарор топаётганига шукрона айтиб бу ерда қурбонлик қилинди.

Жума намозидан сўнг меҳмонлар Бухоро шаҳрига қайтди. Уларни шаҳарда ҳам турли-туман тадбирлар кутмоқда эди. Марказий ўйингоҳда ҳазрат хотирасига бағишланган халқаро мусобақа қатнашчилари — елкаси ер-га тегмаган полвонлар энг

улкан соврин — учқур тулпорни қўлга киритиш мақсадида қайта-қайта майдонга тушар эдилар.

Кечқурун Ибн Сино номидаги маданият саройида Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ва фаолиятига бағишланган илмий анжуман бошланди. Ингин сўнггида санъат усталари зиёратчиларга катта концерт кўйиб берди.

Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг 675 йиллиги тантаналарида республика Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабев, «Мовароуннахр» мусулмонлар диний бошқармаси ҳайъати раиси, муфтий Мухторжон Абдуллоҳ ал-Бухорий ҳамда Бухоро вилояти ҳокими Д. Едгоров иштирок этмоқдалар.

Ҳ.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Б. П. ҚАЮМОВНИ «ЎЗБЕКТУРИЗМ» МИЛЛИЙ КОМПАНИЯСИ РАИСИ
ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТУҒРИСИДА

Баҳодир Пулатович Қайюмов «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг раиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1993 йил 17 сентябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

Республика Вазирлар Маҳкамаси 1993 йилнинг 20 сентябридан ун ва ноянинг чакана нархларини ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилди. Бир килограмм уннинг нархи ўрта ҳисобда 60 сўм, қоллида пиширилган ноннинг нархи эса 50 сўм бўлади.

Нархларнинг бундай оширилшига сабаб нима? Ўзбекистонда, яъни маҳсулотларнинг қисми эса республика яқин ва олин хориждан ташиб келилади. Бунда ҳозирги пайтда дон МДХ республикаларидан жаҳонда белгиланган нархларда, яъни ҳар килограмми учун 125 сўмдан олиб келинади.

Иккинчидан, дон маҳсулотлари корхоналарининг донни қайта ишлашга кетадиган харажатларини ҳисобга олганда, ана шу дондан олинган дон ҳар килограмм ун давлатга салкам 150 сўмга тушмоқда. Шу сабабли

хатто янги чакана нархлар билан ҳисоблаганда ҳам аҳолига сотилган ҳар бир килограмм ун учун давлат 95 сўмга яқин дотация (қўшимча маблағ) ажратиб беради. Бу маблағ ойига 14 миллиард сўмдан кўпни ташкил қилади.

Ноннинг нархи 50 сўмга оширилганда давлат бюджетидан ҳар 1 килограмм ун ҳисобига бериладиган дотация миқдори 113 сўмни ташкил этади. Республиканида сотиладиган ноннинг жами ҳажмига бериладиган дотация эса ойига 8 миллиард сўмдан ошиб кетади ёки бошқача сўзлар билан айтганда, дотация миқдори икки баравар кўпаяди. Буларнинг ҳаммасига республикага олиб келинаётган доннинг нархи кескин ошганлиги сабаб бўлмоқда.

Иш қилини олиштириш, транспорт харажатларини, ёқил-ғи-энергетика ресурслари ва бошқа ресурсларга бўладиган сарф-харажатларни қоплашга кетадиган қўшимча кўпайганлигини эътиборга олиб, 20 сентябрдан бошлаб сутнинг эркин (шарт-

номавий) чакана нархи бир литри учун 100 сўм, манарон маҳсулотларининг нархи бир килограмми учун 250 сўм, усимлик ёғининг нархи эса 300 сўм миқдорига бўлади. Шу билан бирга аҳолини бундай маҳсулотлар билан қаноатланиш таъминлаш тартиби сақлаб қолинади.


Айни пайтда ҳукумат айрим озиқ-овқат маҳсулотларининг нархларини оширилди. Шунинг назарида тутиб, иш қилини, пенсиялар ва стипендияларни кўпайтириш бора-бора оқилдан чоралар кўриб қўйди. Бундан ташқари мактаб ўқувчилари ва талабалар учун мактаблар ҳамда талабаларнинг ошоналари ва буфетларида тушлик овқатларининг қийматида 50 фоизли чегиримлар сақлаб қолинади.

Шунинг айтиб ўтиш жоизки, МДХнинг амалда барча мамлакатларида ушбу маҳсулотларнинг чакана нархлари республикамизда янги белги ланаётган нархлардан анча юқоридир. Қўйидаги статистика маълумотлари шундан далолат беради.

[1 килограмм учун сўм ҳисобида].

	Тошкент	Маск	Санкт-Петербург	Минск	Қишлоб	Олма-Ота	Бишкек	Душанбе	Ереван
Ун	60	120	120	500	340	260	130	360	540
Нон	50	130	140	70	420	80	140	235	60
Сут	100	175	175	80	—	190	150	—	200
Манарон	250	250	260	310	350	530	—	300	630
Усимлик ёғи	300	600	660	1150	400	1450	1300	—	1300

КАТТА КАРВОН— ЙЎЛИ РАВОН



нат фахрийси, ёзувчи Ма-жид Самадов, Навоий номидаги жамоа ҳўжалиги механик-ҳайдовчиси Жаҳонгир Отақизов ва «Пискент» жамоа ҳўжалиги бригадаси бошлиғи Наёб Умаровлар ўз навабига сўзга чиқишиб, йилги-ганларини Пискентнинг биринчи ҳосил карвони билан қизғин кутладилар.

Тантанани Охунбобоев номидаги жамоа ҳўжалигидан ташриф буюрган 73 ёшли, кўпгина ишчилар соҳибига Ҳамроқул ота Ҳамдамов оқ фотиҳасидан сўнг карвон биринчи кетган завод ичкарасига йўл олди. Дастлабки тоналар хирмонга келиб тушди.

Тумандаги Охунбобоев номидаги маданият ва истроҳат боғида шу кунни жуда ажойиб тантана бўлиб ўтди. Бу ерга тумонат одам йиғилди. Яна табрикка-табрик, қўшнқларга рақслар улашиб кетди. Шеърхонлик авжига чиқди. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Акрам Ибобоев, «Дўстлик» давлат ҳўжалигининг бўлим бошқарувчиси Иброҳим Пулатов, туман деҳқонлар кенгаши-нинг раиси, меҳнат фахрийси Маҳмуджон ака Қосимов ва бошқалар сўзга чиқишди. Халқимизнинг суякли санъаткори Нуриддин Ҳамроқуллов дилрабо қўшиқлари билан даврга файз бағишлади. Айниқса «Ўзбекистон мустақиллиги» жамоа ҳўжалиги бошқарувининг раисаси Зарифа опа Деҳқонбоева биринчи бўлиб ўйинни бошлаб берганида барча уни гуддурол олқишлар билан қаршилади. Шу ҳўжаликнинг пешқадам бригадаси бошлиғи Алиқул Зокиров чаптар уриб ўйинга тушди. Давра тагин ҳам қўр олди. Тантана дастурхони тўқин бўлди. Меҳмонлар мезбонларга ош ва кабоб тортиди.

Сўнг эса... туман ҳокими Абдусамид Носиров барчани кураш мусобақалари ўтказиладиган майдонга чорлади. Курашда ғолиб чиққанлар қимматбаҳо соврин эгалари бўлишди.

Кеча ва бугун азондан эса бу кураш шиддати Пискент далаларига кўчди. Айни кунларда туманининг 80 минг-лик аҳолиси умумий сафарбарликка «лаббай» деб жавоб беришмоқда.

Туман деҳқончилик-сановат уюшмасининг раиси Саидхон Тўлпоқовнинг бугун телефон орқали хабар беришича, 6000 киши қўл теримида қатнашмоқда. Ҳадемай 242 та терим машинаси дала-ларга гуддурол солиб киради. Ана шунда сўрғатча яна сўрғат қўшилади. Ҳозирча 400 тонна Пискент пахта-си тайёр. Ҳосилдорлик эса бу йил, ишчилоқ, 30 центнердан кам бўлмайд. Пахта йилги-теримиди. И. Ҳайдаров ва Охунбобоев номидаги жамоа ҳўжалиги пахтакор-лари карвонбошлик қилишмоқда.

Абдулла ТУРДИЕВ, «Қишлоқ ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Ушбу сурат-лавҳалар Пискент туманидаги тантаналардан ҳикоя қилади. Н. МУХАММАДЖОНОВ олган суратлар.

ПИСКЕНТНИНГ ИЛК АРМУҒОНИ

Азим шаҳар пойтахтимиздан чиқиб, Тошкент вилояти ҳудудига қадам босишимиз билан гўё бизни оппоқ пахтазор оғушига олгандай бўлди. Пахта чаноқларидан қўш нурларидий таралётган ёруғлик Пискентда бўлганимизда кун бўйи йўлларимизга чароғонлик тўшаб, дилу шууримизни тарқ этмади. Пахтаимизнинг ойдин йўли мустақил Ўзбекистонимизнинг келажак—истибол уфқларига тутайиб кетгандай эди.

Соат 10. Туманининг буюк ва беэнаир шоир Бобур номи билан аталувчи бош қаларидан бири пахта ортган турна қатор карвонлар

оқимидан гавжумлик бахш этган, Карнай-сурнайлар садоси осмонга ўрлаб, мезбон меҳмонларни тантанана чорлайди. Пискент пахта тозалаш заводи пештоқида оҳорли ёзув: «1993 йил пахта ҳосилига оқ йўл!»

Ҳали тантана бошланмасдан майдондаги манзарани кузатамиз. Бу ердагиларнинг ҳаммаси ўктам, шодон. Карвоннинг биринчи бошида И. Ҳайдаров номи, Охунбобоев номи ва бошқа жамоа ҳўжаликларидан келган те-лежикалар навбатда турбди. Улар худди тўғи ясалган тоғга ўхшайди. Юртбошимиз Ислам Абдуғаниевич Каримовнинг «Ўзбекистон

— келажига буюк давлат», деган сўзлари кўзга ташланади. Бейхитёр кўнгиллар фахр-ифтихор туйғусига тўлади.

Кўп ўтмай пахта заводи дарвозаси олдидаги майдонда тантанали митинг бошланди. Уни туман ҳокими, Ўзбекистон халқ ноиб Абдусамид Носирович Носиров очиб, республикамиз мустақиллигининг икки йиллиги тантаналари ҳамма ерда кенг нишонланганини қувонч билан таъкидлади.

Ана шу кутлуг йилда, — деди у, — пискентликлар 34 минг тоналлик «оқ олтин» хирмонини бунёд этишга, даладаги мўл ҳосилини

тез ва соз йиғиштириб олишга, шунингдек бултурги кем-тиклини ҳам залворли хирмон билан тўлдиршга, амалдаги йилни муваффақиятли янунлашга азму қарор қилишган. Табиийки, жала, сел, дўл бу йил ҳам бизни четлаб ўтмади. Менга қолса, табиат қийинчиликларини мардонавор енгдик, деб тақдор-тақдор айтаверилишигиз ҳожати йўқ. Деҳқон учун қар ўтган йил—жасорат. Олди-мида навбатдаги катта до-вон турибди. Бу довон деҳқон бўй-бастини, йиллик меҳнатимиз самарасини сар-баланд қилиб кўрсатади. Шундай экан, пахтакорларимизга омад тилайман! Ал-лоҳу таоло деҳқончиликни-мизнинг баракасини берсин!

«Ўзбекистон» жамоа ҳўжалигининг бригадаси бош-лиғи Абдуғани Нисонов, Пискент пахта тозалаш заводи директори Юнус Одилов, Улуғ Ватан уруши ва меҳ-

ВОДИЙДА БИРИНЧИ

Якшанба кунни бўйлаб қарамасдан эрта тондан оқ Поп пахта тозалаш заводида байрамона кайфият ҳукмрон. Бунинг боиси бор, албатта. Не бахти, эрта баҳордан буюн қанчадан-қанча машаққат ва қийинчиликлар эвазига ҳосил етиштирган бобо-деҳқон бугун лўппи-лўппи бўлиб очилаётган пахтасини териб хирмонга топшироқда. Тонна-тонна қимматбаҳо хом ашё ортилган дастлабки оқ олтин карвонлари турна-қатор бўлиб завод томон йўлга чиққан. Корхона ин-женер-техник ходимлари, ишчи-хизматчилари—ҳаммаси шу ерда. Ҳатто котиба қиздан қоровул бобогача юзиде табасум билан ҳосил карвонларига нигоҳ ташлайди.

Озода, катта, саранжом-сарашта майдон эрталабдан одамлар билан тўла бошла-ди. Бу ерга вилоят қайта

ишлаш корхоналари масъул вазирлари, вилоят деҳқончилик-сановат уюшмаси раҳбарлари ва мутахассислари, ҳўжаликлар бошлиқлари во-дийда биринчи бўлиб ўткази-лаётган пахта карвонини ни-шонлашга тўлқинланди. Район ҳокими Холмамет Талаббоев йиғилганларни мавсум бош-лангани билан самимий таб-риқлади. Ҳокимнинг таъкид-лашича, полликлар учун йил бир мунча мураккаб кел-ди. Уч ярим минг гектар ерга қайтадан чигит экилди. Ўзга 4—5 мартадан қатъ-лоқдан халос этилди. Шунга қарамасдан, мажбуриятни ҳам қоплайдиган даражада ҳосил етиштиришга эришил-ди. 46215 тонна ўрнига 50 минг тонна хирмон кўтариш мўлжалланмоқда. Ялли ҳо-силнинг 55 фоизи машина-ларда саранжомланади.

Вилоят ҳокими Б. Раппа-лиев, «Поп» давлат ҳўжа-

лиги директори П. Қўлдо-шев, пахта тозалаш заводи директори Ж. Бурҳониди-нов дил сўзларини изҳор этди. Санъаткорлар ўз-ларининг дилрабо қўй ва қўшнқлар билан даврга файз киритдилар. «Хўш келибсиз, азиз пахтакорлар!»

— дедилар аллон леана-ни вилоят ҳокими Б. Раппа-лиев бир гуруҳ фахрийлар билан биргаликда қўриб мавсумга муваффақият тила-ди, кейин пахта ортилган принципал тракторлар завод ҳокими Қирди. Карвонбо-ши бўлиб «Қўшпа» жамоа ҳўжалиғи механизатори Ни-зомжон Қодировга насиб эт-ди. Унинг ортидан шу ҳў-жаликнинг Баҳромжон Тур-сунов бошқарган трактори кирди. Аста-секин бошқа тракторлар ҳам ҳовлига ки-ра бошлади.

— Бугун ҳаммамиз учун байрам — дейди завод ди-ректору Жўраҳон Бурҳониди-нов. — Янги мавсумга 6 та тайёрлов пункт ва за-вод пухта ҳозирлик кўрди. Ишда, айниқса, Давлатла-ри Қодиров, Холмамет Мама-содиқов, Жумавали Бобо-рахимов, Султонали Солиев

ва Хан Чан Ян каби ажойиб малакаи мутахассислар, ишчилар жавабдорлик кўрсатишди. Биз қайта ишлаш тармон ҳодимлари ҳосилини маҳтал қилмай қабул қилиб олиш ниётидамыз. Корхона қошида чойхона, новвойхо-на, ошхона ишлаб турди.

Тантаналар давомиде «Биз бир неча киши билан суҳбатлашдик.

— Даладагиси эмас, хирмондагиси ҳисоб, — деди «Поп» давлат ҳўжалиғи ди-ректору П. Қўлдошев. Бунинг аъзоларимиз яхши билди-лар. Жорий йилда 2350 тек-тон майдонда ўзга парварши-клар, 23 центнер ўрнига 30 центнерлик маррани кў-злаб турибмиз. Бу 7 минг тоналлик хом ашё дегани. 6 сентябрдан таллаб те-ришга киришдик. Бугунга келиб 28 та бригаданинг ҳаммасида иш бошланган. Дастлабки карвонда 40 тон-надан зиёд оқ олтин бор. Ахмадвали Бойназаров, Ра-фиқжон Рўзимовлар, Олим-жон Душановлар бошлиқ бригадалар бугун режаннинг 5—6 фоиздан ошириб пахта сотдилар. Тўхтасин Абдула-ев бошлиқ бўлим олдинда

боряпти. Янги дашт ерлари-да деҳқончилик қилаётган чўлуқварлар 800 тонна ўрнига минг тоналлик чўққини кўзлаб туришбди.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг «1993 йил пахта ҳосилини йиғиб-териб олишга тайёргарлигини ту-ғаллаш ва уни уюшқонлик билан ўтказиш тадбирлари тўғрисида» қарорига жа-вобан аниқ режаларни бел-гиллаб олдик. Етиштирилган ҳосилнинг 80 фоизини ма-шиналар ёрдамида саран-жомлаймиз.

Менинг ёшим 76 да, — деди акабутуллик меҳнат фахрийси Гаффор Эрматов. — Узоқ йиллар бўлим бошлиғи, ўхалик раҳбари бўлидим. Умрим далада ўтган. Ҳозир «Поп» давлат ҳўжалигининг деҳқонлари ҳузурига бориб, маслаҳатлар бериб тураман. Бугун тантананида тенгшопла-рини Меҳмонали Султонбо-ев, Раҳмонли Исоқов, Ма-ҳаммадсидик Қодировлар би-лан иштирок этаётганимдан мамнунман.

Абдунаб ҚОРАБОВ. «Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

Ўлкамиз ноз-неъматлари—эл
дастурхонига

A black and white photograph capturing a moment of grape harvesting. In the foreground, a woman wearing a light-colored headscarf and a patterned blouse is looking upwards with an expression of exertion or joy. She holds a large, round, woven basket brimming with freshly picked grapes. Behind her, another woman, also in a headscarf and a dark, patterned blouse, is standing amidst the dense foliage of a vineyard. She is reaching up, her hands positioned to pick grapes from a higher branch. A wooden ladder or support structure is visible, leaning against the vines. The background is filled with the intricate patterns of grape leaves and clusters of grapes, creating a sense of being deep within the harvest.

А. ЮСУПБОВЕВ олган сурат

АДИР САХОВАТИ

Жалолқудудқа боғдорчи-
лик ҳақида гап кетса, суҳ-
бат аввалида «Болгария»
зумчилик ва мевачиликка
хитослашган ширкатлар
қошмаси соҳибқорлари тил-
га олинади.

Осмонга қарайман. Қуёш саҳават билан нур сочаётир. Ёмонадир бағридга боғларга боқаман. Уларда ҳам саҳават намён. Қирдаги боғ-бонларга, уларнинг етакчи-

Боғларни келсангиз ҳайат на ҳавасингиз ортда,
Ориғда бошқилари Ориф-
тон Отажон қирлардаги
оғда меҳнат қилиш гашти-
дан гапирса, Ашурали Но-
рибеков янги боғлар хусу-
да ҳаяжон билан сузлайди,
Исмаил Абдувахобов эса
си Холмухаммад Холми-
евни кўз олдига келтира-
ман. Уларнинг қалблариди
ҳам саховат шувъласи, Қир-
ларни кезиб, «Бор бўлсин
саховат», деб ҳаққиргим ке-
лади.

А. ҚОРАБОЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати»
муҳбири.

А. ҚОРАБОВ
«Қишлоқ ҳақиқати»
мухбири.

моларимиз ечими ўз ифодаси-
ни топганди.

Ушбу қарор асосида де-
қон (фермер) хўжаликлари ва
жалмоа чорвачилик фермер-
лариغا хизмат кўрсатувчи
хўжалик ҳисобидоғи ишлаб
қилишчи-техник марказлар
ташкил этилиши бш учун айни
мудав бўлди. Зеро, трактор
ва машина-механизмларимизга
техникавий хизмат қилиш,
эҳтиёт қисм, ёқилғи-мойлаш,
дәтериаллари ва шуғна ўқ-
шаш нарсаларни етказиб бе-
ришни шу ташкилот зиммасига
олди. Наманган «Вилтехчорва-
сервис» марказига Намантон
Икромов бошлиқ этиб тайин-
лангани кўнгилдагидек бўлган.
Уни биз, фермерлар яхши би-
ламиз. Узоқ йиллар райони-
мизда қишлоқ хўжалиги техни-
каси таъминоти ва техник ту-
зати ҳосасида ишлаган, чор-
вачиликни механизациялаш
сирларини хазордор. Кези
келганда шу ишнинг ташкил-
чиси бўлган, синишта, удабур-
он ва билимдор мутахассис
режиш бўлган.

Президентимиз . Вазирлар
Маҳкамасининг шу йил 27
июлда бўлган йиғилишида фер-
мер хўжаликлари олдигаги
бир қатор тўсиқлар ҳақида
тўхталиб, буларни олиб таш-
лаш кераклигини айтдилар.
Шундай бўлди ҳам. Юртбо-
шимиз бизнинг соҳада голланд-
лар тажрибасидан фойдала-
нишни вазифа қилиб қўйди-
ларки, бу хайрли натижа бе-
ришига шубҳа йўқ.

Ҳозир кўраимизда 70 бош қорамол, шу жумладан 30 бош ситир, 10 бош новос, 30 бош бузоқ, 2 та от, 15 бош қўй боқаяпмиз. Бу йилги режаларимиз катта: давлатга 80 тонна сут, 4 тонна гўшт сотишга, 28 бош бузоқ олишга бел боғланмиз. Ниятиimiz амалга ошишида «Техчорасервис» ҳошимлари бизга қамарбаста бўлишadi, деб ишонаман.

Олимжон Орифбоев бошлиқ «Вогишамол» фермер хўжалигида бўлипти. Бу ердаги ишлар чиндан ҳам юратли. 60 бош қорамол боқилапти, 12 гектар ерда деҳқончилик қилинмоқда. Шахсий трактори бор. Давлатга бу йил 2 тонна گўшт сотмоқчи. Тошкўлгимиз тузилганидан фермер гўяг мамну. Сабаби аён: ташқи енгиллашди, ўзига йўқ техника воситаларини биздан олиб шилтади.

Ишларини кўлаши тобора кенгаймоқда. Устахонамизда ҳар хил нўсрелар, асбоб-анжомлар тайёрлашга эътиборни қучайтирляймиз. Чорва молларини боғлаш учун занжирлар, сўкалар, металл тўр, кўда тортги қорядгани арвачалар ишлаб қилирялмоқда. Улар махсус дўконларининг орнади сотилапти.

240 минг сўмлик турли буюртмавий юмушлари аялга ошириляпти. Жумладан, 1,8 миллион сўмлик юк ташиб берилди. Махсус дўкўнлар орқали 310 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар ва асбоб-ускуналар сотилди.

Фермерларимиз бундай фойдалади ҳамкорликдан мамнун ва манфатдордирлар. Техник марказ моддий-техникавий негизини мустақиллашди, ўз вазиёсидан чинакалга адоэтса, ишончли шерикка, ҳожатбарор ташкилотга айланишга шубҳа қолмайди.

БЕМИННАТ КЎМАКЧИЛАР

бозордан 35 бош қорамол сотиб олдим. Хўжаликининг бекор ётган эски емишхонасини таъмирлаб, молхона қилдим. Оиламизнинг саккиз нафар аъзоси билан жониворларни парваришлашга киришдик.

Астойдил меҳнатимиз даст-

тувчи аниқ бўлмади. Бу ишмизда айрим мушкулликларни келтириб чиқарди. Шундай вазиятда Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Жамоа чорвачилик фермалари, дехон (фермер) хўжаликлари ва қишлоқ хўжалигидаги давлат

тасарруфиди бўлмаган бошқа тузилмаларга техник ҳамда зооветеринария хизмати кўрсатиш масалалари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди, бу биз, фермерларни бениҳоя қувонтирди. Чунки мазкур ҳужжатда жуда кўп муам-

Районимизда ҳам деҳқон (фермер) хўжаликлари ва жамoa чорвачилик фермаларига хизмат кўрсатиш маркази фаолият кўрсатмоқда. У бизга беминнат ёрдамчи эканлигига ишончим комил. Мен Тўра-кўрғон район «Техчовасер»

ФОЙДАЛИ ҲАМКОРЛИК



Аминжон СОЛИЕВ,
Янгиўл районидagi
«Хамфокс» фермерлар
иттифокі президенти

Эл дастурхонини тўқин ки
лишда фермер хўжаликчилари
кўшайтган ҳисса тобора орта
япти. Давр тақозоси билан
қилишқ жойларда кибишлар
монилик ва тадбиркорлик ҳа
ракатлари кенгаймоқда. Пре
зидентимизнинг қатор фер
монлари, ҳўкуматимиз қарор

давлат йўли билан қўллаб-қувватлаяпти. Бундай ғамхўрликлардан бarchа қатори бизнинг фермерлар ҳам бехад хурсанд. Районимизда 97 та деҳқон (фермер) тўхналиги бўлиб шундан 8 таси чорвачиликка 89 таси деҳқончилikka иxtи сошлашган. Уларга 519 гектар ер ажратиб берилган. Азаматлар чорва моллар махсус дорлигини ва экинлар ҳосили

сидкидилдан меҳнат қилиш-
япти.

Вазирлар Маҳкамасининг
қарори асосида деҳқон [фер-
мер] ҳўжалиқларига ва жамоа
чорвачилик фермаларига хиз-
мат кўрсатиш бўйича ҳўжалик
хисобидан республика бир-
лашмаси ташкил этилиши ай-
ни мuddao бўлди. Унинг рай-
онимизда бўлинишаси — иш-
лаб чиқариш-техник маркази

валдан районта минотузати
корхонаси билан ўзаро ҳам
корликда ишлаб, ундан зарур
ёрдамни олишдири. Ушбу та
килот қошида таркиб топган
техник марказ мазкур фойда
ли алоқаларни янада жонлан
тириб юборди. Кишлоқ тад
биркорлари ишда хизмат
кўрсатувчиларини ёрдамлари
тезда кўзга ташландида. Йил
бошидан бери юқоридagi
корхона ва марказ томонидan

ридли. Жумаланд, 1,8 ми-
лион сўмлик юк ташиб берил-
ди. Махсус дўкунлар орқали
510 миң сўмлик эҳтиёт қисм-
лар ва асбоб-ускуналар со-
тилди.

Фермерларимиз бундай
фойдалӣ ҳақоратликдан мам-
нуи ва манфаатдордирлар.
Техник марказ моддий-техник
кавий неғизини мустақиллаб,
ўз вазифасини чинакагина адо-
этса, ишончли шерикка, хо-
жатбарор ташкилотта айлани-



Шофиркон туманидаги «Хайдаробод» жамоа хўжалигида астойдил тер тукиб, эл дастурхонини нозу неъматлар билан бойитаятган ҳақиқий ер эгалари беҳисоб. Холжурод Эргашев — шулардан бири. У бу йил 1,5 гектар майдонда деҳқончилик қилмоқда. Ҳозирча давлатта 10 тонна маҳсулот сотиб, йиллик режани 90 фозга адо этиб қўйган бу сабзавоткор даласида ҳали ҳосил мўл.

Режани икки ҳисса ортиғи билан бажарамиз,— дейди лудратчи Х. Эргашев.

К. КАРИМОВ олган сурат

МУХБИР ШАРҲИ

Президентимиз фармонлари ва ҳукуматимиз қарорлари ҳаёта татбиқ қилина бориб, фермерлик ҳаракати кенгай-
моқда, давлат ҳўжалиқлари мулкчиликнинг бошқа шак-
лларига ўтказилапти, фермаларнинг чорва моллари ва
мулклари меҳнат жамоаларида хусусий қилиб берилаётар.
Янги тартибдаги мазкур тўғилмадан ишда қўллаб му-
аммолар, қўйинчиликлар узрамоқда. Улар дaдлil оёққа
турoб олишлари учун моддий қуммак, турли хизматлар-
га муҳтождилар. Вазиpлар Маҳмадмасиннинг шу йил 7 ап-
релда қабул қилган «Жамоа чорвачилик фермалари, дех-
он (фермер) ҳўжалиқлари ва қишлоқ ҳўжалиқлиғидаги дав-
лат тасаруфидга бўлмаган бошқа тўғилмаларга техник
ҳамда зооветеринария хизмати кўрсатиш масалалари тўғ-
рисида»ги 174-қарoри бу борада жиддий ғамҳўрлик бўл-
ди.

«Ўзқишлоқхўжтаъминоттузатиш» давлат-ширкат қўмитаси ушбу қарор асосида муайян чора-тадбирларни амалга оширди. Бевосита деҳқон (фермер) хўжаликларига ва

жамоа чорваидинг фермаларига хизмат кўрсатиш бўйича Хўжалик хисобидинг республика бirlaшмаси «Узтех чорпасервис» ва унинг бўлиналмалари ташкил қилинганлиги қўминтанг амалий ишларидан биридир. Улар ўз вақт-фаларини беками-кўст бажаришлари учун зарур шарт шaroит яратилмоқда.

Яна бир тадбир — Урта Чирчиқ район ишлаб чиқариш-техника марказида алоқадор раҳбарлар ва мутахассисларнинг республика кўргазмалари семинари ўтказилди. Барча вилоят ва районларда «Техчорпасервис» марказлари тузилди. Наманган, Бухоро, Андижон вилоятларида, Балиқчи, Избоскан, Марҳамат, Хўжайли, Тўртқўл каби районларда яхши натижаларга эришилганлиги, Фермерлар, жамоа фермалари билан алоқалар ўрнатилган, ўзaro манфаатли шартномалар тузилди, буюртмалар асосида хизматлар кўрсатишмоқда. Амурдаёри район ишлаб чиқариш-техник маркази қoшида атлас тўқини, кийим тикниш, истеъмoл тозарлар тайёрлаш деҳлари ишлаб турибди.

«Узтехчорпасервис» республика бirlaшмаси айни вақтда ташкил этилган «Узсей» ўзбекистон амалги ош қўжалиги вазиридин Президент фармонларини амалга ошириш бошқармаси бошлиғи Қўчкор Келдиёров, Районларда унинг бўлиналмалари тузилгандан сўнг фермаларнинг жуда кўп оворoгарчиликлари барҳам тоиди.

Яқинда Сирдарёда 481 нафар фермер иштирокида ўтказилган семинарда маъруз хизмат кўрсатиш-техник марказлари фаолиятига ижобий фикрлар айтилди. Чунки бу бўлиқларнинг ҳалиги бичиб-бичиб қийнаб келаётган муаммоларини ечиб беришмоқда. Бу ишларнинг бошида турган «Ўз қишлоқхўжалиқини тўлатиш» давлат-ширкат кўмитаси раҳбарлари жонқуярлик, қатъият кўрсатишга татаниши таъкидлаш жоиз.

Қишлоқда ишбилармонлиқни ва мулкчиликнинг янги шакллариини ривожлантиришга моддий - мадад бериш, уларнинг амалий фаолиятини ва ташаббусларкорлигини қучатириш мақсадида «Тадбиркор» акционерлик-тижорат банки барпо этилганди. Деҳқон (фермер) ва шахсий ёрдамчи хўжаликларга, ижарачи ва ширкат жамоаларига, ҳусусий қайта ишлаш корхоналарига хизмат қилиш унинг асосий вазифаларидан бири эди.

Ҳамкорликда ҳўқимат кўп. Фермерларга, қишлоқдаги бошқа ишбилармонларга ёрдам кўрсатиш барча алоқадор ташкилотларнинг долзарб ва муҳим вазифасидир. Ҳамма-ниш хизмат қилган тақдирдагина улар дадил оёққа туриб, эл-юрт фаровонлигига, мамлакат иқтисодийетини мустаҳкамлашга баракали ҳисса қўшадилар.

Эграш ИБРОҲИМ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

СИГИР СУТИ ТИЛИДА

Республикамизнинг жамоа, давлат ва деҳқон (фермер) ҳамда иккара ҳўжаликларда қорамолларнинг 90 фоиздан кўпроги зотли жониворлардир. Масалан, сут йўналишида қора—ола Голштин, дашт—қизил, кўнгири, Бушув, қизил эстон зотли ва Гўшт йўналишида—Санта-тертудра, Абердин-ангуст, қозоқи оқбoshi зотли моллар мавжуд. Юқорида кўрсатилганлари кўп миқдорда маҳсулот бериш хусусиятига эга. Нимадир шу наслик хусусият турли давлатларда турлича натижа беради. Унинг маҳсулдорлиги бирда тула юзага чиқса, иккинчисидан имкониятининг ярми ва баъзи жойларда учдан бири йўқолади.

Масалан, 1991 йилда Исроил давлатида Голштин зотли ситирларнинг ҳар бирдан 7.500 килодан сут соғиб олинди. Россиянинг Санкт-Петербург, Москва атрофларидаги кўпгина ҳўжаликларда эса 5—6 минг килони тапшиқоти. Марказий Осиё давлатларида, жумладан Ўзбекистонда бу кўрсаткич 2,5—3 минг килограммдан ошмайди. Кўпгина молхўз-совхозларда, сутчилик комплексларида маҳсулдорлик ҳатто 2000 килограммга етмайди. Онда иккинчи муаммога тўхталасан. Мутахассислар яхши билишадил, Гўшт етиштиришга ихтисослашган зотли моллар бир неча-кундада 800—1000 граммгача семирishi мумкин. Бироқ, нимадир бизнинг ҳўжаликларимизда молларнинг ўсиши 350—400 граммдан ошмайди. Ҳўш, бунинг асосий сабаби нимада?

Тажриба шунини кўрсатадики, ҳайвонларнинг наслилик хусусиятини юзага чи-

қаришга учта омил таъсир этади. Биринчиси, наслилик ишларини юқори даражада олиб бориш. Шунинг натижасида маҳсулдорлик 23 фоизга кўпаяди. Иккинчиси, юмушларни технология ёрдамида бажариш (молларни катта-катта хоналарда сақлаш, кунига машина ёрдамида 3 марта соғиш, 4—5 марта озиқлантириш ва ҳоказолар) сут соғиб олишни 18 фоизгача оширади. Ниҳоят, учинчиси, ҳайвонларни йил давомида юқори сифатли емиш билан озиқлантиришнинг ташкил этиш зарур.

Кавш қайтарувчи молларнинг яхши ўсиб, мўл маҳсулот бериши учун уларга 80 та турли модда ва витаминлар, микроэлементлар, зарур аквалити фанда аниқланган. Қорамол молларнинг кўпчилиги истеъмол қилинган озуқалардан олади. Шунга қарамай камийда 18—22 хилини ҳайвон етарли миқдорда танасига сингдириб беради.

Чорвачилиги яхши ривожланган давлатларда маҳсулдор молларни озиқлантиришнинг янги назорат рақсонлари қўлланилмоқда. Унга биноан тирик вазири 500—550 килограмм бўлган, бир кунда 15—18 килограмм сут берадиган ситирларга 19—24 килограмм қуруқ модда едирилади. Кундалик рацион таркибидagi қуруқ модда шу кўрсатилган режадан кўп ё кам бўлса ҳайвон учун зиён. Сабаби, кам бўлса говиши ошқозонда моддаларнинг парчаланиб ҳазм бўлиш жараёни бузилади, натижада сутнинг ёрлиқ даражаси пасайиб кетади. Агарда у мўлжалдан кўп едирилса, мол уни ҳазм қилмайдил, рационнинг тўйимлиги пасаяди.

Мутахассис таклифи

Бир қанча ҳўжаликларда чорвадорлар ситирларни ата-ла, лавлага, рапс, перко, тритикале билан узлуксиз боқиллари натижасида қуруқ моддалар камийиб кетганини вақтида пайкамайдилар. Шунинг таъсирида сут ва ёри камийиб боради. Шу боис қуруқ моддан мезёрига етказиб баҳор ва ёш йилларида муаммо ҳисобланади. Баҳорда атала ва бардида 85—90, оралиқ ақилларда 80—82, перко ўтда 90—95, кўч бедада 75—80, силосда 70—75, сенажда 50—55, омухта емда 12—14, пичанда 14—17, сомонда 10—12 фоиз сув сақланади. Демак, шу томонларни ҳисобга олиб молларни йил давомида бир хил озиқланти-

ришга ўтишимиз зарур. Бунинг имконияти бўлмаган шартларда қуруқ ситирнинг 5—6 килодан қуруқ пичани кўк ўтлар билан аралаш ҳолда едириш лозим.

Тўғри озиқлантиришнинг яна бир муҳим жиҳати, ундаги тўйимли моддаларнинг сақланиш даражасидир. Бу рацион таркибидagi қуруқ модданинг ҳар килограммида қанча озуқа бирлиги сақланишига қараб аниқланади. Тўйимли моддаларнинг оз ва кўп миқдорда бўлиши молларнинг маҳсулдорлигига қараб белгиланади. Янги маҳсулдорлиги паст говишларга паст ва маҳсулдорларга юқори тўйимли модда сақлайдиган рацион тузилиши лозим.

Еш бузоқлар парварishi, га ҳам жиддий эътибор бериш зарур. Озиқлантиришда рацион таркибидagi тўйимли моддалар даражаси уларнинг ёшига қараб ўзгариб боради. Масалан:

Бузоқлар ёши (ой ҳисобида)	Рациондаги қуруқ модда, кг	1 кг қуруқ моддада озуқа бирлиги
1 ойгача	1,9	2,4
2 ойгача	2,1	1,8
3 ойгача	2,3	1,4
4 ойгача	2,5	1,2
5 ойгача	2,6	1,1
6 ойгача	2,6	1,1

Чорва ҳайвонларининг насл имкониятини юзага чиқаришда оқсил моддасининг аҳамияти ниҳоятда катта. Ҳазмланувчи протеин (оқсил) жо-

нипорларнинг вазирига, маҳсулдорлик миқдорига, физиологик ҳолатига қараб белгиланади. Оз маҳсулот берадиган ситирларга рациона-

ги ҳар бир озуқа бирлигига 105 граммдан, маҳсулдорлиги ўртачада 110—115 граммдан ва юқориликларига 120 граммдан, ёш, ўсиши давом этаётган қорамолларга эса 130—140 граммдан ҳазм бўлувчи протеин берилиши шарт. Бошқача айтганда, берадиган сут—10 килогача бўлган говишлар учун 13 фоиз, 11—20 килога етказадиганларига 14 фоиз, 21—25 килодан ошадиганларига 15 фоиз ва ундан юқориликларига 18—22 фоиз протеин бўлиши зарур. Шунинг асосида қиёмаслигини керакли, кундалик рационда қанча оқсил моддаси етишмаса, маҳсулдорлиги шунча пасайиб, ортиқча ҳажмга кўпайиб боради. Афсуски, айрим ҳўжаликларда чорва мутахассислари рацион таркибидagi протеин моддасининг миқдорига берафқ қарайдилар, режалаштиришни ҳатто ҳаёлларига келтирмайдилар.

Юқорида айтилган фикрлар ҳурматли ўқувчига тушунарли бўлсин учун яна бир мисол келтираримиз. Айтайлик, бир ситирдан йил давомида 4000 килограмм сут соғиб олинади. Демак, у сут билан бирга ўзининг танасидан 144 килограмм оқсил, 120 килограмм ёр, 200 килограмм сут шакари, 6 килограмм кальций ва 4,5 килограмм фосфор ва кўп миқдорда майда элементлар ҳамда витаминларни чиқаради. Бу моддаларни жонивор фақат озуқаларидангина олади, холос. Бошқа манбаи йўқ. Шунинг учун ҳам озиқлантириш рационини тўғри тузишга катта аҳамият бериш керак.

Кауденбой КАРИБОВ, Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалик Фанлари академияси муҳбир аъзоси, «Плем-элит» ИИБ қишлоқ ҳўжалик молларини озиқлантириш бўлими мудири.

ОЗУҚАКОРЛАР УЧУН

Бенбод туманидаги Далварин таъмирлаш заводи асосан «Белорусь»—«МТЗ-80» тракторлари дингтелларини ҳамда шу тракторга ўрнатилган кўтарish қиспларини соғлаш ишларини бажаради. Бозор муносабатларига ўтиш бу корхона ишчи ва хизматчиларини ҳам яхшиликларни қидиришга, қўшимча даромадлар йўлини топишга ундади. Завод жамоаси тез кунда янги бир чехки ишга туширди. Шу кунларда заводнинг бу алоҳида ҳиссада «КЛ-004» маркали агрегат ишлаб чиқарила бошлади.

Маълумки, республикада доп, маккажўхори экишга йилдан-йилга кўплай Осиё давлатларида ҳам яг-

жайдонлар ажратилапти. Ана шу донларни сўтдан ажратish учун ҳозиргача Белгрияда ишлаб чиқаришган ушкан механизм хизматидан фойдаланядилар. Бу жуда қиммат, ҳажми катта механизмин ишлатишда анча нуқулдайлигини ҳўжаликларнинг маккажўхориқорларини, техника хизматидagлар яхши билишадил. Далваринликлар яратган бу янги агрегат етиллиги, кичик ҳажмга эгаллиги, ишлатишда анча қулайлиги билан ажралиб туради. Дастлабки синов нусхаси ишлаб чиқарилишига бир йил бўлаётган бу механизм нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий

на ҳисобланади. Агрегат тежамкорлиги билан ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Унинг нархи ҳам арзон. Шунинг учун ҳам кундан кунга буюртмачилар сони ортиб борапти.

Шу ҳиссада ишлаб чиқаришга жорий этилган яна бир янгиллик — шахсий чорваси ва паррандаси бор қишлар учун мўлжалланган кичик ҳажмдаги дон майдаловчи механизмдир. Савдо тармоқлари орқали сотилаётган дон майдаловчи макка дони, арпа, дон ва дуккакли маҳсулотларни уни қилиб, тўйимли озуқага айлантириб беришга хонадон эгаларига енгиллик тўғриб бermoқда.

Т. ҲАЙДАРОВ.

«ҚИШЛОҚ ҲЎЖАТБАРОР» ТАРБИВОТ-ТИЖОРAT ХИЗМАТИ
МУЛОҚОТ УЧУН ТЕА: 33-44-43, 32-54-44, 32-56-34, 32-56-25
БЮРТМАЛАРИНГИЗ ТЕЗДА АДО ЭТИЛАДИ

СЕМИНАРГА МАРҲАМАТ!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «МАҲАЛЛИЙ САНОАТ» ДАВЛАТ КОРПОРАЦИЯСИ, УШБУ КОРПОРАЦИЯНИНГ ДАВЛАТ-ТИЖОРAT МАРКАЗИ, ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОД УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ «ТОШКЕНТ-12» ИЛМИЙ-ЎҚУВ ТИЖОРAT-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ФИРМАСИ, БУСТОНЛИҚ ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «МАҲАЛЛИЙ САНОАТ» ДАВЛАТ КОРПОРАЦИЯСИ ТИЗИМИДАГИ ХУСУСИЙЛАШТИРИЛАТГАН ВА БОШҚА ҚОРХОНАЛАР, КОНЦЕРНЛАР РАҲБАРЛАРИГА

ТАКЛИФНОМА

«Маҳаллий саноат» давлат корпорациясининг давлат-тижорат маркази, «Тошкент-12» илмий-ўқув тижорат-ишлаб чиқариш фирмаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги давлат Солиқ бош бошқармаси мутахассислари билан биргаликда қуйидаги мавзуда консалтинг-семинар ўтказадил:

«Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ислохот: Солиқлар, Хусусийлаштириш. Бухгалтерия ҳисоботи ҳисобларининг янги режаси».

Семинар 1993 йилнинг 23 сентябрийдан 25 сентябрийгача Ўзбекистон районидаги «Хожикент» пансионатида ўтказилади.

Семинар дастури қуйидагилар:

— Ўзбекистон Республикасининг «Қорхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида» қонуни ва унга шарҳлар;

— Кейинги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда қорхоналарни хусусийлаштиришнинг қуқуқий ва ташкилий масалалари;

— «Бухгалтерия ҳисоботи ҳисобларининг янги режаси бўйича ишларни қандай олиб бориш керак»;

Семинар ишда қатнашининг қиймати 60 минг сўм бўлиб, қуйидаги хизматларга

тўланадиган ҳақини ва харажатларини ўз ичига олади: дам олиш маснадида истиқомат қилиш, уч маҳал овқатланиш, транспорт, лекциялар курси, консалтинглар, ҳуқуқий ҳужжатлар ва методик материаллар маълумасига.

Семинар ишда иштирок этиш истагини билдирганлардан бу ҳақда ташкилий қўмита билдиришларини, семинарда қатнашиш учун 60 минг сўм маблағ банк орқали ўтказилганлиги ҳақидаги тўлов қорғонини нусхасини Тошкент шаҳри, Намойишлар хиббони кўчаси, 5 уйда жойлашган «Маҳаллий саноат» давлат корпорациясидаги ташкилий қўмитаси 1993 йил 22 сентябрга қадар жўнатишларини сўраймиз.

Қўшимча маълумотлар олиш ва рўйхатдан ўтиш учун телефонлар: 39-42-18; 33-75-46; 33-58-82; 45-28-46.

Семинар ишда қатнашиш учун тўланадиган 60 минг сўм маблағ қўмита ҳисоб-китоб рақамлари бўйича ўтказилишини сўраймиз: 700000, Тошкент, 1-Май кўчаси, 20-ўй. Давлат-тижорат маркази, Жорий ҳисоб-китоб рақами: 000366302, Саноат-қурилиш банки, амалиёт: Бошқармаси, Тошкент шаҳри, МФО 172647310, Банкининг ҳисоб-китоб рақами: 300166710, Консалтинг-семинар ишда қатнашиш учун.

Ташкилий қўмита.

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИК ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўза селенцияси ва уруғшунослиги бўлимига — катта илмий ходимлар — 5; алмашалаб экиш ва ўза вилитга қарши кураш бўлимига — мудири, катта илмий ходимлар — 3; ўғитлар бўлими мудири, катта илмий ходимлар — 2; мелiorация бўлими — катта илмий ходимлар — 2; сугорish ва сув қуйиш техникаси бўлими мудири, етакчи илмий ходим; ўсимликлар ўсишини соғлаовчи моддалар ва дефолляция бўлими мудири, катта илмий ходим; тупроққа ишлов бериш ва жадаллаштирилган технология бўлими мудири, катта илмий ходимлар — 4; янги иқлимлаштирилган ва истиқболли ўза навларини етиштириш агротехникаси лабораторияси мудири — 0,5; катта ил-

мий ходимлар — 3; тупроқ эрозиясига қарши кураш ва агроэкология бўлими мудири, катта илмий ходимлар — 3; ўсимликларни озиқлантириш физиологияси лабораторияси мудири, катта илмий ходимлар — 2; илмий-техникавий ахборотни жорий этиш ва тарбияот, иқтисодий, аналалаш бўлими мудири, катта илмий ходимлар — 3; яппи таҳлиллар лабораторияси мудири, илмий котиб, аспирантура бўлими мудири.

Конкурс муддати: эълон чиққандан 15 кунгача.

Манзиллими: 702133, Тошкент вилояти, Қўйраб тумани, Оққовоқ алоқа бўлими, ҲАТИТИ.

ТАШКИЛОТ ҚУЙИДАГИ ЗАМОНАВИЙ УСКУНАЛАРНИ

СОТАДИ:

1. ЯПОНИЯНИНГ «ТОШИБА» ФИРМАСИ ТОМОНИДАН ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН 11 КВТДАН 75 КВТГАЧА, МИНУТИГА 750 ДАН 3000 ГАЧА АЙЛАНИШ ҚУВВАТИГА ЭГА БУЛГАН ЭЛЕКТРОДВИГАТЕЛЛАРИ;

2. ҲАМДУСТЛИК МАМЛАКАТЛАРИДА ТАЙЕРЛАНГАН 2,2 КВТДАН 5,5 КВТГАЧА, МИНУТИГА 950 ДАН 3000 ГАЧА АЙЛАНИШ ҚУВВАТИГА ЭГА БУЛГАН ЭЛЕКТРОДВИГАТЕЛЛАРИ. КЕЙИНГИ ТАЪЖИДЛАНГАН ЭЛЕКТРОДВИГАТЕЛЛАР МАҲСУЛОТНИ ИШЛАБ ЧИҚАРГАН ҚОРХОНА ТОМОНИДАН ҚУЙИЛГАН БАҲО БУЙИЧА СОТИЛАДИ.

БУНДАН ТАШҚАРИ УШБУ ТАШКИЛОТ РЕСПУБЛИКАДАН ТАШҚАРИГА ОЛИБ ЧИҚИШГА ЛИЦЕНЗИЯСИ БУЛГАН ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ПУЛ УТКАЗИШ ПУЛИ БИЛАН

СОТИВОЛАДИ

Мулоқот учун телефон: 78-67-21, телефакс 45-75-67.

ШИРКАТЛАР, ОВҚАТЛАНИШ ШОХОБЧАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ
ВА ТАДБИРКОРЛАР ЭЪТИБОРИГА

Москвадаги Ярих ва замонавий қорхонада ишлаб чиқарилган, соатига 12 килограмм турли макорон маҳсулотларни тайёрлаш қувватига эга бўлган «Макма-м» машинаси сотиладил. Барча иш жараёнлари механизация ёрдамида тез адо этиладиган ушбу агрегатни лағмон хамирини қиқаришга ҳам мослаштириш мумкин. Бу машинада турлан

йўгонликдаги макорон, рожки, вермишел ва бошқа маҳсулотларни тайёрлаш кўзда тутилган.

Тошкентдаги 97-93-95 рақамли телефонга қўнғироқ қилгангиз, қўшимча маълумотлар оласиз.

«Политграфнаб» республика улгурчи-воситачи фирмаси кадрлар бўлимининг йўқолган муҳри бекор қилинади.

ИЗЛАНУВЧАН ФЕРМЕР

Йил бошидан бери давлатга 15 минг литр сут, 2,5 минг килограмм гўшт топширган Исоқжон Зайниддинов Марҳамат туманидаги «Пахтакор» жамоа ҳўжалигида фермерларга сардорлик қилмоқда.

Бор-йўғи битта ситир ва бир новос билан фермерликка асос солган Исоқжон ака йил ўтказишда 16 бош новос, 5 бош ситир, бир қанча қура ва ўрдак бока бошлади. Бунинг учун у оила аъзолари ёрдамида ҳўжалик ажратиб берган 3 гектар ерга эртангишар бугдой ва арпа экиб мўл ҳосил қўтарди. Бўшамада ерларга эса силос учун маккажўхори қалади. Ҳўжалининг бир қисmini давлатга топширди. Хуллас, қилган фойдаси эвазига молхона тиклаб олди. Қурилиш материалларининг таъминлиги сабабли уни ота-боболарининг усули билан маҳаллий хомашдан фойдаланган ҳолда битказди. Томига қамши ёпиб, лой бостирди, устини қора қозоқ билан мустаҳкамлади. Натижада 50 бош қорамол боқилдиган ёзда салқин, қишда иссиқ бино барпо этилди. Молхона ёнига омборхона қўрди. Т-40 маркали экиш тракторини сотиб олди, ўзи таъмирлаш чиқарди. Омбори донга тўлган, ҳовлисида эса гарам-гарам совуно пичан тамилган Исоқжон ака шу кунларда экин-дан бўшаган ерларида маккажўхорига шарбат бериш билан банд. У бу экиндан ҳам дон, ҳам силос олимоқчи.

Тиниб-тинимас фермер ина бир иш бeтлади: ўғилларини ёнига олиб, паррандачилик фермаси учун жой ҳозирлашга киришди. Унинг зах суварини қочирish учун қазилган катта зовурда баллиқ урчитиш иняти ҳам йўқ эмас.

Исоқжон аканинг саяҳаракати, меҳнати туфайли фермер ҳўжалиги бойиб бermoқда, онда аъзоларининг, қолаверса, ҳўжалик меҳнат аҳлининг дастурхонига қутбарака кирмоқда.

Андижон вилоти.

К. НИЗОМОВ,
ЎЗА муҳбири.

Эртага—Ўрмон ходимлари кун

Айтишларча, дунёда бир дилбар ихтисос бор, у ҳам бўлса ўрмончи касбидир. Эътироз билдириш қийин, ҳақида ҳам умрингдан бир кун қолган бўлса фақат кўчат экиш, деб ёзилган. Ўзбекистоннинг она табияти ўрмончиликнинг меҳри ва ардоғи оғушида. Уларнинг меҳнати-ла обод, бус-бутун ва боқира. Дарахтларининг оламининг сир синоати ўзгача. Уларнинг ўзаро оқиста шивирлаши, апроқларининг енгид шабадада ўйноқ рақси, гоҳида қилт этмай сукутга толиниш, бу ердаги ҳайвонларнинг хатти-ҳаракати англатадиган маънолар фақатгина ўрмончиларга маълум. Африкаликлар дарахтда ҳам қалб бор, деб ҳақ тапини айтишган. Эртага ана шу ақойиб касб эгалари, яхши байрам тантанаси. Ўзбекистон ўрмончилари ўзларининг касб айёлирига қандай қувончли ютуқлар билан келдилар, қайси муаммолар бутун уларни безовта қилмоқда? Бу ҳақда Ўзбекистон Давлат ўрмон комитети ўрмонлардан қўшимча фойдаланиш ва қишлоқ ҳўжалиги бўлимининг бошлиғи Собир ЭРГАШЕВ муҳбиримизга қуйидагиларни ҳикоя қилди.

— Ўзбекистон ўрмонзорлари ниҳоятда сулим, боқира, сеҳрли. Улар асосан тоғ, қир ва адирлар ёнбағрида, экин экишга яроқсиз, сув чиқмайдиган жойларда, қумлоқ ва чўл ерларда, дарёларнинг соҳилларида ривожланмоқда. Фойдаланиш учун яроқсиз ётган ҳар қарич ерни ўрмонбон майдон ҳисоблаймиз ва дарахт кўчатлари ўтказамиз. Янги-янги ўрмонзорлар яратиш, сийрақлашган эски ўрмонларни бут қилиш, дарахтлар сонини йилдан-йилга ошира бориш фаолиятимизнинг асосий мезонидир.

Таъкидлаш керакки, ўрмонзорларимиз асосан мевали дарахтлардан иборат. Шу туфайлими қуруқ-тароватли ҳам бошқача. Сайроқи қуш паррандалардан тортиб бозор жониворлари ҳайвонларгача сероб. Сабаби улар учун зарур бўлган ҳўрак мўл, ҳаф-хатарлар эса йўқ ҳисоб. Бу ерларги ўсимлигу ҳайвонот олами ўрмон қорувлари ҳимоясида ва қонун панохида. Фақат овлаш мавсими бошлангандагина овчилар қадам ранжидга қилишадил. Ўсимликларга, қуш ва ҳайвонларга браньерларча муносабат қонун билан таъқиқланади.

Қўрилиб турибдики, зимамизга юклатилган вазифа гомтада шарафли. У қалбларда ифтихор ва масъулият ҳиссини ўйғотади. Муассамиз ходимлари ўзларига бидирилган ишончини оқлашлари учун туну кун ўз топшириқда ҳўшёр. Дов-дарахтларини қўриқлаш-асрашда, эл саломатлигини мустаҳкамлашда, экологик бухронлар олдини олиш ва Орол муаммоси ечимида ўрмончиларимизнинг меҳнати салмоқли ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Алоҳида ифтихор билан

ПОКИЗА ТАБИАТ ЖОНКУЯРЛАРИ

Республикамиз мустақиллик мақомини қўлга киритгани— биз, бу касб соҳибларига чексиз қувонч бағишлади, куч-ғайратимизни жунбўшга солди. Амалга ошириб келаётган ишларимиз кўламида миқдор ва сифат ўзгаришларини ясамоқда. Бунинг касб байрамимиз арафасида қай қилинган меҳнат кўрсаткичларининг мисолида ҳам қўриш мумкин. 1993 йилда 8775 гектар майдонда хилма-хил дарахт кўчатларини экиб чиқиди. Ерга қадалган ниҳолларнинг 80 фоиздан ортиғи тутиб, яшил бағрларга буркандил. Демак, шунча минг гектар янги ўрмонзорлар барпо этилди. Қўриқ ўрмон ҳўжалиги жамоаси Сирдарё соҳили ва бошқа яроқсиз ерларда, сурхондарёликлар Боботўғ атакларида, қашқадарёликлар Ҳисор тоғ тизмалари қуйи ерларида, хоразмликлар қумлоқ ва чўл ерларда юзлаб гектар янги ўрмонзорлар яратилди. Бу хоро ва навоийлик ўрмончилар Қўзиқўм қўлалида саксовулзорлар барпо этишмоқда.

Алоҳида ифтихор билан

Ўрмончилар чорвачиликка ҳам муваффақиятли ихтисослашмоқдалар. Чорва маҳсулотларни етиштириш боғисида таҳсинга сазовор ишларини амалга оширмоқдамиз. Ҳозирги кунда 1000 бошдан ортиқ қорамолимиз, 20 минг қўй-эчки, 1100 бошдан ортиқ йилқимиз бор. Хуллас, ўрмончиларимиз, кенг ихтисосли. Улар дарахтларини қўлайтириш билан бирга деҳқончилик, поллизчилик билан ҳам шугўлланишмоқда. Улар орасидан турли фермер ҳўжаликлари етишиб чиқса, ажаб эмас. Дарё соҳилларидаги сугориладиган ерларда пахта ва шол иштириш билан ҳам шугўллана бошлади.

Иттифок тарқалиб кетгач, тахта-ёғоч таъқислиги туфайли Ўзбекистондаги бунёдкор ташкилотлар жуда қийин аҳволга тушиб қолдилар. Ўзимиздаги терак дарахти қурилишбоп бўлгани учун кейинги икки йил давомида юзлаб гектар теракзорлар барпо қилдик. Узоғи билан йна беш-олти йилдан сўнг Ўзбекистон ўрмончилари қурилиш ташкилотларига арзон тахта-ёғоч материаллари етказиб бера бошлайдилар.

Бу эркин фаолиятимизнинг ҳаммаси мустақиллигимиз шарофати туфайли. Бугун ўз юртимизга ўзимиз ҳўжалиги. Юқоридан кўрсатма кутмаймиз, ойма-ой ҳисобот ёзишлар ва қозғабозликнинг бошқа турлари ҳам барҳам топди. Амалий иш билан шугўлланимиз. Маҳсулот етиштириб, давлатга сотиб, мўл даромад қилаймиз. Ўзлаштираман десак ўрмонзорларимиз имконияти ҳам, бағрида яширинган бойликлар ҳам беҳисоб. Она табиятнинг бу бойликлардан оқилона фойдаланиш, мустақил Ўзбекистон фуқароларининг унинг неъматларидан баҳраманд қилиш ўрмончиларимизнинг мўътабар бурчидир.

Сухбатдош:
Баҳром ҚАҲҲОРОВ.

1 2 3 4 5 6.